



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 17 сентябрь № 196 (3471)

Жума

МДХНИНГ НАВБАТДАГИ САММИТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15-16 сентябрь кунлари Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг навбатдаги саммитида иштирок этди

Саммит қатнашчилари Россияда рўй берган террорчилик ҳаракатларини кескин қоралади ва мазкур иллатга қарши курашда ушбу мамлакат билан бирдамлигини билдирди.

МДХ Давлат раҳбарлари кенгазининг тор доирадаги учрашувида ҳам, кенгайтирилган тартибдаги музокараларида ҳам террорчиликка қарши курашда ўзаро ҳаракатларни такомиллаштириш зарурлигига алоҳида эътибор берилди. Сўнгги вақтда МДХнинг бир неча мамлакатларида рўй берган воқеалар террорчиликнинг усуллари кўпайиб бораётганидан дарак беради. Бундай шароитда фақат жипслашиб ҳамкорлик қилиш билан мазкур иллатга қарши туриш мумкин. Ҳозирча МДХ мамлакатларининг хавфсизлик йўлидаги ҳамкорлиги бугунги кун талаби даражасида эмас.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, вазият қанчалик мураккаб бўлмасин, террор муаммосига ҳамма давлат ҳам бирдай жиддий эътибор берапти, деб бўлмайди. Террорчиликни бевосита амалга оширадиганларга қарши курашиш — чоранинг бошланиши, холос. Улар тайёрланган лагерларни бартафати этиш зарур. Энг муҳими, террорчиларни тайёрлаш, операцияларни молиялаштириш, одамларнинг онгини захарлаш билан шуғулланувчи марказларни йўқ қилиш керак.

Ислам Каримов МДХ мамлакатларида экстремистик ташкилотларнинг рўйхатини тузиб, уларнинг фаолиятини қонун йўли билан тақиқлашни таклиф этди. Террорчиларнинг номма-ном рўйхатини тузиш ва уларнинг МДХ мамлакатларидан наиники махон топиши, бу ҳудудга ҳатто қадам боса олмадлиги учун барча чора-тадбирларни кўриш керак, деди Ўзбекистон Президенти.

Айрим мамлакатлар ўзини террор учун «транзит» деб билиши, «тегмасак — бизга ҳам тегинмайди», деган тайовилга таяниши ўта хато, ҳатто хатарли қараш эканини бугунги ҳаёт, вазият яққол кўрсатиб турибди. Террор қутилмаган жойлар-



га ҳам кириб бормоқда. Демак, террордан холи мамлакат бор, деб бўлмайди. Шундай экан, унга қарши курашда ҳамкорлик қилиш, бунинг учун бор куч ва имкониятни сафарбар этиш керак.

Ислам Каримов бу борада барча давлатлар мазкур иллатга бир хил назар билан қараши, муаммага бир хил баҳо бериши фойдаланишни таъкидлади. Бугунги кунда алоҳида олинган бирор давлат учун хавфсизлик тушунчаси ўз кучини йўқотган. Террорчи бир мамлакатда тайёрланади, иккинчисидан қурол, учинчисидан маблағ олади ва тўртинчи мамлакатда хунрезликни амалга оширади. Раҳнамолари эса яна бошқа бир мамлакатда ўрнашган бўлади. Дунёда рўй бераётган воқеалар террор чегара билмаслигини,

миллат ва ёш танламаслигини кўрсатиб турибди. МДХ мамлакатлари орасида эса чегара ва муҳожирликка, учинчи давлатлардан келган одамларнинг мамлакатдан мамлакатга ўтишига доир масалалар хали пухта кўриб чиқилмаган. Демак, ҳеч бир мамлакат террор хавфидан тўла қафолатланмаган.

Саммит қатнашчилари ялпи хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда, террорчилик, экстремизм ва уюшган жиноятчиликка, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабанда-сига, ноқонуний муҳожирликка қарши курашда амалий ҳамкорликни ҳар томонлама кучайтириш чораларини кўриб чиқди. Ушбу масала юзасидан МДХ Давлат раҳбарлари кенгазининг баёноти қабул қилинди. Олий даражадаги учрашу-

да кўрилган асосий масалалардан яна бири МДХга аъзо мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришди. Президентинг МДХ доирасидаги ҳамкорликка тўсиқ бўлаётган омилларни таҳлил этдилар. Тегишли ҳукумат органларига уларни бартафати этиш чораларини ишлаб чиқишни топширишга келишиб олдилар.

Ислам Каримов эркин савдо зонасини барпо этиш масаласи ҳамон оқсаетганини таъкидлади. Ҳолбуки, бу билан кўпгина муаммоларга ечим топиш мумкин бўлур эди. Товар ва хизматларнинг эркин ҳаракати ўзaro ишонч ва ҳамкорлик руҳини мустаҳкамлайди, ахборот алмасуви кучаяди. Айни пайтда қонунга хилоф савдо-сотиққа чек қўйилади. Бу эса нафақат контрабанда ва ноқону-

ний муҳожирлик каби иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш, балки хавфсизлик нуқтаси назаридан ҳам гоят муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан илгари сурилган Марказий Осиё умумий бозорини яратиш гоёси замирида интеграциянинг ана шундай шакли ўз ифодасини топган. Аслида эса умумий бозорнинг ва эркин савдо зонасининг моҳияти битта. Ислам Каримов учрашув қатнашчиларини бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштиришга, тезроқ амалий ишга ўтишга чакирди.

Саммитда энергетика, сув захиралари, транспорт ва бошқа соҳаларда МДХ мамлакатларининг ҳамкорлигини ривожлантиришга оид масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Саммитда ноқонуний муҳожирликка қарши курашдаги ҳамкорлик концепцияси, жиноятчиликка қарши кураш бўйича 2005-2007 йиллардаги қўшма чора-тадбирларнинг давлатлараро дастури, шунингдек, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний савдосига қарши курашда 2005-2007 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин МДХ Давлат раҳбарлари кенгазининг раиси этиб сайланди.

Остонада Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Ислам Каримов ва Владимир Путин икки томонлама алоқалар, жумладан, хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорликка доир масалаларни муҳокама қилдилар. Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик тасмийлаштирилган муносабатларнинг бугунги аҳволини таҳлил этиб, истиқболга оид масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ.
Тошкент — Остона — Тошкент.
СУРАТДА: саммитдан лавҳа.
Абдувоҳид ТўРАЕВ
олган сурат.

Долзарб мавзу

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш мақсадида ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан бормоқда. Бунга ҳар бир фуқаронинг мавжуд қонунларга тўлиқ риоя этиши орқали эришилади.

Ривожланган мамлакатларда четдан олиб келинган товарлар савдосининг уюшган, маданиятли шакллари яратилган экан, бизда ҳам бу борада ягона қонун-қоида мезон бўлмоғи лозим. Ҳар ким ўз билганича хориждан маҳсулот олиб келса, уни бир неча воситачилар орқали савдога чиқарса, табиийки, бундан, аввало, истеъмолчи зарар кўради.

Четдан келтирилган товар

ягона қоида асосида сотилиши керак

Бозор иқтисодий-нинг талабларидан келиб чиққан ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 1 сентябрдан қучга кирган «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 387-қарори ҳуқуқий жамият қуриш йўлида навбатдаги босқич ҳисобланади.

Қарорга биноан республикамизда амалда бўлган қонунчилик талабларига ва белгиланган тартиб-қоидаларга мувофиқ тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни четдан олиб келувчи жисмоний шахсларнинг ўзлари истикомат қиладиган туман (шаҳар) Давлат солиқ инспекцияларида экспорт-импорт операциялари ва чакана савдо ҳуқуқига эга якка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтишлари тартиби жорий қилинди.

Эндиликда тегишли масъул идоралар томонидан товарлар импорти билан шуғулланувчи якка тадбиркорларнинг давлат рўйхатидан ўтиши тартибини белгиловчи Низом ишлаб чиқилиб, жорий йил 2 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг 413-қарори билан тасдиқланди. Низомда рўйхатдан ўтиш (рухсатнома олиш) тартиби, муддатлари, масъул идоралар ваколати ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилган.

Янги тартибга кўра, якка тадбиркор сифатида

четдан товар келтириб сотишни мўлжаллаган фуқаро паспортини олиб яшаш манзилидаги Давлат солиқ инспекциясига шаҳсан мурожаат қилади ва белгиланган шаклдаги аризини тўлдирди. Ариза билан бирга мазкур қарорга кўра белгиланган миқдорда давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун йигим тўлангани тўғрисидаги тўлов қўғози, муҳр ва штамп эскизлари каби зарур ҳужжатларни илова қилади.

Ушбу аризага асосан Давлат солиқ инспекциясининг қарори билан фуқаро якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилади.

Шундан сўнг ДСИ якка тадбиркорга Давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома ва тегишли органларда рўйхатдан ўтиш (рухсат олиш) қарточкасини топширади.

Қарточкада якка тадбиркорни рўйхатга олиб тегишли қайд ёзувлари киритилган идоралар кўрсатилган. Унга кўра якка тадбиркор биринчи навбатда Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига бориб, белгиланган тартибда ариза ва зарур ҳужжатларни тақдим этади. Ташқи иқтисодий

(Давоми 2-бетда.)

Қирқийш чизиғи

Қирқийш чизиғи

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

«Экспорт назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР** қилади:

1. «Экспорт назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ш.Мирзиёев) ўз қарорларини «Экспорт назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштириши, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ҳамда бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 26 август.

8

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

ЭКСПОРТ НАЗОРАТИ ТЎҒРИСИДА

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2004 йил

4

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

экспорт назорати соҳасида давлат сиёсати ўтказилишини таъминлайди;

экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди;

экспорт назорати объектлари рўйхатларини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқро мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш мақсадида экспорт назорати объектларининг олиб чиқишига, шу жумладан айрим чет давлатларга олиб чиқишига нисбатан чеклашлар ва тақиқлар жорий этади;

ички назоратни амалга ошириш тартибини белгилайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

8-модда. Экспорт назорати соҳасидаги ваколатли давлат органи

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги экспорт назорати соҳасидаги ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда ваколатли орган деб юритилади).

Ваколатли орган:

экспорт назорати объектларини олиб чиқиш учун белгиланган тартибда рухсатнома беради;

экспорт назорати соҳасида давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида юридик ва жисмоний шахсларни хабардор қилиш ишларини ташкил этади;

экспорт назоратини амалга ошириш учун зарур ҳужжатларни ва бошқа ахборотни талаб қилиб олади;

чет давлатнинг экспорт назорати объектларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида баён этилган мақсадларда фойдаланишига тааллуқли ёзма мажбурият беради;

экспорт назорати тўғрисидаги қонун ҳужжат-

5

ларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

9-модда. Экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш тартиби

Экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ҳолларда, экспорт назорати объектларини олиб чиқиш экспорт назорати объектларини олувчи чет давлатнинг ва (ёки) чет давлат юридик ҳамда жисмоний шахсларининг мазкур объектлардан ялпи қиргин қуролли ҳамда уни етказиб бериш воситаларини, бошқа турдаги қурол-яроғ ва ҳарбий техникани яратиш мақсадида фойдаланилмаслиги тўғрисида ёзма мажбурият бўлган тақдирда амалга оширилади.

Ваколатли орган, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, экспорт назорати объектларини олиб чиқишга рухсатнома бераётганда қўшимча талаблар қўйиши мумкин.

10-модда. Экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш тартиби устидан назорат

Экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш тартиби устидан назорат:

экспорт назорати объектларини олиб чиқиш амалга оширишда божхона назоратини;

олиб чиқилган товарлар, асбоб-ускуналар, илмий-техника ахбороти, ишлар, хизматлар, интеллектуал фаолият натижаларининг экспорт назорати объектлари рўйхатларига киритилган экспорт назорати объектларига мувофиқлигини аниқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ҳолларда, олиб чиқилган экспорт назорати объектларидан ялпи қиргин қуролли ҳамда уни етказиб бери-

ИИБ Матбуот маркази хабар қилади

Фалокат оёқ остида

Мухаммаддин Давлетмуратовнинг кутилмаганда юрак хуружи тутиб қолади. Оқибатда у ҳайдаб кетётган «Тико» бошқарувини йўқотиб қўяди ва қарама-қарши йўналишга чиқиб, Чимбой шаҳрида яшовчи Умирбек Ниязметовнинг «Дамас» автомашинасига урилади.

Тўқнашув оқибатида уч нафар шахс — икки ҳайдовчи, бир йўловчи касалхонада вафот этди. Икки йўловчи эса тан жароҳати олади. «Нукус — Тахтақўпир» йўлида содир этилган бу фалокатнинг сабаблари ўрганилмоқда.



Сартарошнинг қўли қон

Тонг сахарда Бек-обод шаҳрининг 14-даҳасида П. Глейни қонга беланган ҳолда топишди. У ўша заҳотиёқ касалхонага ётқизилди. Сўнг тезкор кидирув ишлари амалга оширилди. Ўз вақтида олиб борилган тадбирдан кейин жиноятнинг изи топилди.

Икки ишлар ходимларининг саяё-ҳаракати туфайли бировнинг қорнига тиг тикқан М. Эркабоев ушланди. Бекобод шаҳридаги маиший хизмат уйи сартароши қилмишини бўйнига олди.



Гиёҳфурушлар узоққа кетолмади

Бирови ўттизга яқинлашиб, иккинчиси йигирма уч ёшга тўлган А.Ҳабиб ҳамда С. Умид нопок ишга қўл урди. Бу икки но-бакор енгил-елли, ҳаром-ҳариш йўл билан бойлик орттиришни пеш билибди, денг. Оқибатда иккиси ҳам воқеа жойида қўлга олинди. Яъни Фаргона вилоятининг Оқунбобоев туманида яшовчи шериклар 700 грамм нашини 50 минг сўмга пуллаётганда ички ишлар ходимлари томонидан ушланди.

Хозирда ушбу ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.



билан жавоб қайтаради аёл. Милиционер эринмасдан тартибни тушунтиради. Аёл бугунги даромаддан қолмаслик учун ялинишга ўтади. Бир-икки кун ичиде руҳсатнома тўғрилашга ваъда беради. Иш битач, мамнун жилмайиб қўяди.

Пистачи аёл яхши еб, яхши кийинмайди, лекин катта тўй қилади. Йил давомида йиққанини бир кунда сарфлайди, аммо бундан ташвишга тушмайди. Келин-куёвнинг тўйи дабдабали ўтса бўлди, гўё шу билан иш битадигандек. Уйлаб қолсан,

яшайди. Халоллик эса ҳар қандай бойликка тенглаша олади, менимча. Ўзини Гули, деб таништирган бу қиз эндигина йигирмага тўлган экан. Шу ёшда фаҳшинг залолат ботқоғига ботиб, эртанги кун бор-йўқлигига ишониб-ишонмай, узокларга

ликлар ва илмий адабиётларни ўқийди, лекин. Нима бўлса ҳам, кейинги йил талаба бўлишим керак. Акс ҳолда... Интилган инсон, албатта, ниятга етмайди. Бу ҳаёт ҳақиқати! Олтинга тенг вақтини билим эгаллашга сарфлайдиган ёшлар бор экан, мамлакатимиз келажаги порлоқлигига шубҳа йўқ.

Кизалоғи билан хиёбонни айланишга чиққан отанинг қувончи чексиз. Қизининг ҳар бир саволига эринмай жавоб қайтарар экан, бахтиёр чекрасидан бугунги кунга шуқроналикни англаш унча мушкул эмас. Қизча отасини шарлар томон бошлади. Энг катта, энг чиройли шарни таллаб, ўрнида бир-бир сарқаб ҳам олди. Ота чўнтагини қовлаб, ҳамёнини кидирди. Тазжужбаниб, ёнотроғига қараб қўйди. Ҳеч қим йўқ. Отасининг ҳаракатларига ҳайратланиб ёққан жажжи нигоҳлардаги афсусли кўриб, бўғзимга аччиқ нарсани — хўрлик тикилгандай бўлди. Ота қизидан хижолат бўлиб, уни бошқа томонга бошлади. Шу пайт, бир ёш йигит отанинг ҳамёнини минг бир истиҳлоқ билан қайтарди. Ғурур банд келдими ёки мардликка бердимди, ишқилиби, қилган ишдан пушаймонлигини тан олгани рост. Уларни четдан кузатиб туриб, ҳаётнинг яна бир эртаги яхшилик билан туғанидан кўнглим тоғдек кўтарилди.

Уятган умримиз қизик. Кимдир бир қулик фароғати учун, яна кимдир эртанги кун, келажаги, фарзандларининг қамоли учун яшайди. Қурдошларимизга кўрсатилган шарт-шароитлардан айтиш мумкинки, турмушимизнинг тинчлиги, фаровонлиги ўз қўлимизда. Бунинг учун ҳар биримиздан берилган имкониятлардан тўғри фойдаланиш талаб этилади. Эеро, яхши кунларга барчамиз умидвормиз ва ҳақлимиз, албатта.

Зиёда АШУРОВА.

ХИЁБОНДАГИ АЁЛЛАР

Манзара

— Рухсатнома олиш қийинми? — сўрайман ундан меҳрибонлик билан.

— Қийин эмасу ташвиш қўп-да. Қолаверса, даромадим қопламайди. Узингизчи, ким бўлиб ишлайсиз?

Дабдурустан берилган саволга нима деб жавоб қайтаришни билмайман. Қолаверса, бировлар дардига малҳам бўлолмагач, журналистман, деб баландаровоз гапиришдан чўчийман. Шу пайтда яна қандай касблар борлиги ҳам хаёлга келмайди. Аёл эса сукутда қолганини ишсизликка йўяди. Узича далда беради. Пешона терини хафсала билан артар экан, яқинда тўй қилмоқчилигини фахр билан айтиди.

— Тўйга даярили ҳамма нарсани тайёр, — дейди. — Фақат ўғлимнинг таътилга чиқишини кутаямиз.

— Катта сарф-харажат қилиш шартми? Икки ёш бахтли бўлишса, бўлди-да, — дейман кўнглимдагини тилимга чиқариб.

— Бизда ҳам орзу-ҳавас бор. Қолаверса, бунақа тўй инсон ҳаётида бир марта бўлади. Зикналик қилсак, бўлмас...

Тўй қилиш учун топган тўтиганини бир кунда сарфлаш саҳийлик эмас, исрофгарчилик эканлигини кўчлигимиз англаб етатишга амалда аксини қиламиз.

киши. Қимматга тушган бундай орзу-ҳавас кимга ва нимага керак? ...

Бир гуруҳ қизлар қий-қирғидан хаёлим бўлинди. Ақнабийча кийинган, қўлида сиварет тутган дугоналар алланамалар устиде бахшлашарди. Узаро тортишувлардан сўнг улардан бири ёнимга келиб ўтирди. Ваҳохатидан кўнглисиз воқеа содир бўлганлигини пайқаш қийин эмасди. У кўнглидагини менга тўқиб-сочини истади, шекилли, секин гап бошлади:

— Икки кундан буён ишимиз юришмаяпти. Бир кечага беш минг сўм эмиш. Бу нима деган гап? Ахмоқ ўртоқларим шунга ҳам рози. Уларда ғурур йўқ.

— Фойдали меҳнат билан шугўллансангиз бўлмайди? — Берган саволим ўзимга ёқмади. Чунки яхши кийинишга одатланган, кўнгли кунора зиёфатлари тусайдиган одамнинг меҳнатга майли бўлармиди...

Уйлаганимдек, у менга истехзо билан қаради: — Маош билан яшаб бўлмайди. Аинқиса, меҳнат билан. Ким пешона тери билан бой бўлган?

Тўғри, инсон пешона тери эвазига бой бўлмаслиги мумкин, лекин ҳалол

тиқилган нигоҳларда йигирма йиллик ҳаёт бор! Энг ачинарлиси ҳам шу аслида! Бир вақтлар ўзи орзу қилган институтга қўшига киролмай, алдов қурбони бўлган содда қизнинг ўрнини ҳаёт зарбаларига дош беролмай, кимлар учун нафрат тимсолига айланган вужуд эгаллаган. Нима бўлганда ҳам иродасизликдан Яратганининг ўзи асрасин!

Амир Темуру хайкали пойига мустақил ҳаётга қадам қўётган икки ёш гулчамбар кўяди. Келиннинг либоси орзуларидек оппоқ. Бахтиёр келин-куёвларга ҳавас билан тикилаётган болалар нигоҳида кўнглим полайди. Мен уларга ичимдан банд-икбол тилайман...

Хиёбонда одам кўпаяди. Кимдир бекорчиликдан паша қўрийдди, кимдир ўриндиларни «безаш» билан банд. Рўпарамда ўтирган қиз бошини китобдан кўтармайди. Уни гапга соламан. Самарқанддан келган экан. Айтишича, бу йил учинчи бор Тошкент Давлат тиббиёт институтига ҳужжат топшириб, йиқилибди.

— Икки йил «Ахборотнома» асосида тайёргарлик кўриб, ўқийдиган йиқилгандим. Бу йил ҳам омадими чопмади. Энди фақат дарс-

Кимдир бир қулик фароғати учун, яна кимдир эртанги кун, келажаги, фарзандларининг қамоли учун яшайди. Қурдошларимизга кўрсатилган шарт-шароитлардан айтиш мумкинки, турмушимизнинг тинчлиги, фаровонлиги ўз қўлимизда. Бунинг учун ҳар биримиздан берилган имкониятлардан тўғри фойдаланиш талаб этилади. Эеро, яхши кунларга барчамиз умидвормиз ва ҳақлимиз, албатта.

Зиёда АШУРОВА.

Advertisement for GSM mobile services. Includes text: 'Мобил алоқанинг мобил тўлови', 'Хоҳлаган вақтда исталган жойда', 'Энди абонентлар 10 000 ва 20 000 лик X-Press карточкаларидан фойдаланишлари мумкин'. Also features GSM logo and Uzdunrobta branding.

«Биринчи муҳаббат»

Сафар Хўжаниёзов номидаги Қорақалпоғистон давлат ёш томошабинлар театри ўзининг янги мавсумининг «Биринчи муҳаббат» спектакли билан очди. Истеъдодли режиссёр А. Худойназаров сахналаштирган ушбу спектаклда ёшлар мавзуси қаламга олинди.

Муҳаббат— боқий туйғу. У ҳар нарсага қодир. Асарни томоша қиларкансиз, бунга яна бир бора ишонч ҳосил қиласиз. Ўз муҳбиримиз.

Газетанинг 16 сентябрь сониде чоп этилган «Малла» МҶКнинг эълониде кўрсатилган электрон манзил қўйидагина ўқасин: E-mail: malv1@mail.ru; malv1-uz@mail.ru

Advertisement for car dealerships. Includes text: 'Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!', 'Ишлаб чиқарувчи заводлар дилери', 'ИЖМАШАВТО' ОАЖ, 'ГАЗ' ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларга бюртмалар қабул қилади ва сотади.', 'Шунингдек, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари эвазига автомобиль етказиб беришни тақдиф қилади.', 'Мулоқот учун телефонлар: Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62; Наманганда: (36944) 22-35-9, (99897) 104-25-86.'

Footer section with contact information. Includes: 'Халқ сўзи Народное слово', 'Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ', 'Тажриб ҳайъати: Э. Болев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Мухиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Хайдаров, Ҳ. Хошимов.', 'ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.', 'МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси.', 'Манзил: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. Ҳафтасида — 21.00 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5'